



Ўзбекистон

ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 5 сўм

1993 йил 23 март, сешанба

№ 50 (21.401)

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокчию»

билан асос солинган

Видлиги 88
қизиқлиги 88
аҳоли соғлиғини
камлашдаги
ва
тербияни яхшилашда
аҳолининг, халқаро
даги спорт алоқалар
таъмирлашдаги кенг
ларнинг эътиборга с
уни янада ривож
мақсадига қадор қил

1. Ўзбекистон
2. Давлат физку
спорт комитети,
вазирлиги,
3. Ўзбекистон
4. Ўзбекистон
5. Ўзбекистон
6. Ўзбекистон
7. Ўзбекистон
8. Ўзбекистон
9. Ўзбекистон
10. Ўзбекистон

ЎРТИМДА СОЗ ЧАЛАР НАВРЎЗИ ОЛАМ...

21 МАРТ КУНИ ТОШКЕНТДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ МАЙДОНИДА БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ БОШЛАНДИ



БИЗНИ ЖАҲОН ҚУТЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президент Ислам Абдуганиевич ҚАРИМОВ жаноби олийларига!

Муҳтарам Президент жаноблари!

Америка халқи номидан Сизни ва Ўзбекистоннинг барча фуқаросини улуғ айём — Наврўз билан муборакбод этаман. Янги йил ўзбек халқига яна шунинг учун ҳам гуллаб-яшнаш, яшарлиқ фалондорлик, Сиз бу улуғ айёмни иккинчи марта мустақил давлат сифатида байрам қилаётирсиз. Америка Қўшма Штатлари истиқлолингиз, эгамчилигингизни ҳамда ҳақиқий демократия, эркин бозор иқтисодиёти йўлидаги сай-ҳаракатларингизни тўла қўллаб-қувватлайди. Оғир синовлар, қийинчиликларга дуч келаётганингизни биламиз, эзгу ниятларингизни ижобат топиши йўлида сизлар билан ҳамкорлик қиламиз деган умиддамиз.

Янги йил Сизга ва Ўзбекистоннинг барча фуқаросига тинчлик ва равиқ бахш этсин.

Эҳтиром ила,

Билл Д. КЛИНТОН,

Америка Қўшма Штатлари Президенти, Вашингтон.

ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ДИЁР

Филипп СИДОРСКИН,

Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фахруллода ва мухтор элчиси

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ва унинг меҳнатсевар халқини улуғ айём — Наврўз байрами билан чин дилдан муборакбод этаман. Кунги кеча Тошкентнинг Халқлар дўстлиги майдонида бўлган умумхалқ тантанасида қатнашиб, бир умр унутилмас завқ-шафқ олдим. Бу байрамнинг руҳи, бир олам ҳажжони ва гузаллиги Ўзбекистон халқи ва унинг ҳукумати самарали ва муваффақиятли ишлаши билан бирга айни пайтда Ўзбекистоннинг миллий байрамларини кенг нишонлашга қодир эканлигини намойиш этади.

Марказий Осиёдаги мустақил республикалар, хориздаги Эрон ва Афғонистон мамлакатларида Наврўз байрами нишонланишининг бир неча бор гувоҳи бўлганман. Ўзбекистондаги байрам эса улардан жуда ҳам ажралиб турди. У ўзининг ҳадис қўлами, жозибаси ва мазмуни билан мен кўрган ўша байрамлардан кўп чандон ўтиб кетди.

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг азиз муштарийлари, Сизлар ҳозирда Россияда юз бериб турган мушкул аҳволни яхши биласиз. Бу қийинчиликларга қарамай Россия ва Ўзбекистон халқлари ўртасида, икки мустақил давлатлар раҳбарлиги ўртасидаги халқаро муборакбодлар, дўстлик ва қарошлиқ алоқалари бундан буён ҳам яхши давом этишига ишончим комил. Россия ва Ўзбекистон давлатларининг иқтисодий ҳамкорлигида кейинги йилларда пайдо бўлиб қолган узиллишларга бундан буён барҳам берилади. Иқтисодий алоқаларимиз ҳамма соҳаларда қайта тикланиб, ўз йўлига тушиб кетади. Россия Федерациясининг Бош вазирни В. С. Черномырдиннинг диёриниёшга қилган давлат сафари кунги кеча ифтихорига етди. Ана шу сафар чоғида мамлакатларимиз раҳбарлари имзолаган ҳужжатлар асосида бўлиб қолган иқтисодий алоқаларимиз муваффақиятли ривожланиди.

Мен Ўзбекистон халқи ва унинг Президентига мустақил давлатнинг равиқ топиши йўлида бахт-саодат, эсон-омонлик, куч-ғайрат тилайман. Мамлакатларимиз ўртасидаги чинакам дўстона алоқаларимиз ҳар томонлама ривожланишига комил ишонч билан қарайман.

(Давоми иккинчи бетда).

ДУНДА неки фазилат, неки яхши хислат бор — берини Наврўзга сифат бериб, оранчиб кутган онларимиз етиб келди! Истиқлолга эришган овоз Ватанимиз пойтахти Тошкентнинг Халқлар дўстлиги майдонида Наврўз тантаналарида оқ фотиха бериб, оқ йўл тилашининг ҳам рамзий маъноси, ҳикмати бор. Зотан, Қўёш эниси билан йўрилган Ўзбекистон заминда юздан ортқиқ индлат вакиллари елкама-елка туриб, истиқлолимизни мустақамаш йўлидан порлоқ истиқбол сари дадил олдимиқда. Халқлар дўстлиги майдонидаги тантаналарда юртимиз меҳнат аҳли тинчлик ва тотувлигини нечоғли ардоқлаётгани, азалий анъаналари, урф-одатларини янги мазмун билан бойлатиб, асраб-авайлаб келаётгани яна бир бор намойиш бўлди.

Халқлар дўстлиги, Фурқат кўчалари билан Ўзбекистон шоҳжўчаси кесинган жойдаги улкан майдон бе-назар кўрни ва салобати ила кишини ҳайратга солади. Бугун у байрамона безатилган. Турфа рангли байроқлар, санъаткор қизлар кийган сержило миллий либослар уйғунлашиб, мисли чаманзорга айланган. Айниқса Хадра томондан назар ташласангиз, майдон тўрида қад ростлаган бино бағрини очиб, меҳмонларни чорлаётгандек туюлади.

Қошона пойида, мармар зинапойлардан тушавериш чорпойлар ўрнатилган. Бешма кўрпачалар ёзилиб, неча-неча наврўзларни қаршилаган отахонлар парестикларга суяниб, савлат кўчиб ўтирибди. Рўза рамазон сабабли хонтахталар бугун майсалари баҳор чечаклари, лолалар биланги, на безатилган...

Соат миллари 11 ни кўрсатади. Халқлар дўстлиги саройининг ойиванди эшик-лари очилиб, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, республика Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Илдошев, Бош вазир Аб-

дулшошим Муталов, республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабев, Тошкент шаҳар ҳокими Адҳам Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар чиқиб келди. Ислам Каримов отахонлар хузурига йўл олади. Юртбошимиз пойтахт маҳаллалари оқсоқолларини, улар шимосида тошкентликларини, бутун республика аҳлини Наврўз айёми билан муборакбод этади. Йаккасарой тумани маҳалла кўмиталари раислари вакили, Ўзбекистон халқ артисти Ориф ҳожи Алимақсумов сўз олади. У мустақиллик шарофати билан асрлар синовиядан ўтган урф-одатларимизни тиклаётгани, парвардигори оламнинг мурувати босиб рўшноликка чиқганимиз учун шукрона айтиб, эл-улусни мустақилликнинг машаққатли йўлидан дадил бошлаб бораётган давлатимиз раҳбарлари ҳақида дуойи фотиха қилади. Шодийнага тўпланган тошкентликларни, хоризий элчионаларнинг вакиллари ҳамда пойтахтимиз меҳмонларини — барчани уйғониш байрами — Наврўзи олам билан қутлайди.



Борлиқни қарнай-сурнай наволари, чилдирмалар жаранги тутиб кетади. Қурран замин тимсоли бўлмиш шар осмон-фалакка кўтарилади. Унга она Ватанимиз харитаси, миллий тамгамиз ҳамда байроғимиз тасвири туширилган.

Қарнайлар нағраси, довралар садоси аста-секин уюқлашади. Ранг-баранг байроқ тугган турдорлар орасида ҳарир либос кийган «Баҳор» қизлари чиқиб келади. Улкан майдон узра Муҳаммаджон Мирзаевнинг машҳур «Баҳор» вальси янграйди.

Республикамизнинг машҳур санъаткорлари ҳамда пойтахтимиз туманларида фаоллик кўрсатган бадий ҳаваскорлик жамоалари тайёрлаган «Наврўз гуллари» вокаль-рақс композицияси, барча вилоятлардан келган фольклор этнографик гуруҳлар на-

мойиш этган халқ кўшиқ ва рақслари, сумалак пишириш, келинсалом каби удулларимиз акс этган томошалар Инжилганларда унутилмас таассурот қолдирибди. Шу лаҳзаларда майдонга назар ташласангиз, Ўзбекистон фазли баҳор оғушида, рақосу рақосулар, хонандо соҳналарда даврасида — халқ ижодиётининг битмас-туганмас чашмаси қошида тургандек ҳис этасиз.

Халқлар дўстлиги майдонининг ҳар икки томонига Тошкент туманларининг савдо расталари ўрнатилган. Тахтастулар бадий ҳаваскорлар ихтиёрига бериб қўйилган. Байрамнинг асосий тантаналари сарой пойидаги саҳнада кечса-да, бу ердаги жамоалар ҳам байрам руҳини янада бойи тишга хизмат қилмоқда. Ҳар бир миллатнинг келажиги у тарбиялаб, воғта етказётган фарзандларига

боғлиқ. Бизнинг ҳур Ўзбекистонимизда одобли, истеъдодли, қувноқ болалар шу қадар кўп экан, Президентимиз таъкидлаганидек, унинг келажиги порлоқ бўлади. Болалар боғчаларида тарбияланаётган кичкинтойларнинг чиқишлари, «Чаман», «Қўёш» каби болалар жамоаларининг камаладек товланувчи рақсларини қувноқ кўшиқлари шундан дарак беради. Қолаверса, республика Президентининг жажжи қизалоқларини меҳр билан қўлга олиб, эркалагани ҳам бежиз эмас.

...Хўжа Насриддин бошчилигидаги масқарабозлар жар солиб, халқни сайилга чорлайди.

«Марҳабо, Наврўз» вокаль-рақс соҳнаси янги кун — йилга бағишланган бўлса, композиитор Р. Абдуллаевнинг байрам муносабати билан басталган «Наврўз маҳжаси» вокаль-рақс сюитаси қўшиқларга ўзгача хузур бағишлади.

Халқлар дўстлиги майдонида бошланган байрам тантаналари азим Тошкентнинг истироҳат боғлари, ҳиёболари, маҳаллаларини гузарлари оша дёримиз бўйлаб эур қувноч ва шодлик ила оқимлайди...

...Ўзбекистон миллий боғи. Сайхонликда чодирлар тикилган. Совут-қалқон таққан лашкар ҳазил-мутобиқа қилиб ҳордиқ чиқармоқда. Отлар қантариб қўйилган. Катта қозонда ош дамланган, чой қайнаб турибди. Жангу жадал, юриш тўхтатилган. Зотан, бугун — Наврўз... Республика санъат институтининг декани М. Убайдуллаев саҳналаштирган бу тарихий кўринишда XIV — XVI асрлардаги воқеаларни жонлантиришга ҳаракат қилинган...


Фавворалар отилиб турган боғнинг кўркэм гўшалари Тошкентда фаоллик кўрсатётган қозоқ, туркман, тожик, уйғур, қорейс, озарбойжон, бошқирд, татар маданият марказлари ихтиёрига бериб қўйилган. Турли миллат вакиллари бу ерда ўз анъаналари, урф-одатлари, пазадалик маҳорати ва санъатини намойиш этмоқ-

далар. Ҳар ёнда қувноч, ўйин-қулғу. Уртада гулла бурканган ўрик шоҳлари баҳор шабадасида аста чайқалиб, муаттар бўй таратмоқда.

Ҳазрати Навоий боғ тўридаги тепаликдан назар ташлаб, «Ишоолоҳ, яна баҳор онларига етишдик» дея шукроналик келтирётгандек, сайил иштирокчиларига қарата «Ҳар тунунг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз» деб тилак билдираётгандек туюлади. Шерият мулканиннинг султони ҳайкали пойида авж олган мушонарада ҳам, Ўзбекистон телевидио компаниясининг «Тановар» ашула ва рақс дастаси маҳоратлари концертида ҳам Наврўзи олам тараннум этилди. Боғ қўлида қайиқ сайли уюштирилди. Байрам қатнашчилари, хоризий меҳмонлар болаларининг паррак ва набутор учирди мубоабаларини қизиқиб томоша қилдилар. Халқ сайли то кечгача давом этди.

Ўзбекистон пойтахтининг мустақиллик марказий майдонида Наврўз кунини эрта тондан оқ болаларнинг шўх кўлгуси янгради. Кичкинтойлар ва ота-оналарининг очик чехралари майдоннинг байрам безагига ҳамроҳан эди. Мустақиллик обидасининг икки тарафига жойлаштирилган рангдор расм ва шорлар, савдо расталарининг локувард гўмбазлари, пайдар-пай отилиб турган фавворалар байрам кайфиятига монанд. Тошкент томошабоғлари майдонда ўз бўлимларини очинган. Майдоннинг қоқ ўртасида от ўйини ва ағримчоқлар ўрнатилган, турли ўйин-қулғи қўрилмалари болаларнинг шодлигига шодлик қўшади.

Мустақиллик обидасининг пиллапойлари саҳна вази-фасини ўтади. Бу ерда томошабиларининг қарсақлари остида шаҳар сановат корхоналари маданият саройларининг болалар жамоалари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Обида пойида Авнасозлар маданият ва техника саройи ҳамда «Тошкент тўқимачилик комбинати» бирлашмаси, ил газла-



ЮРТИМДА СОЗ ЧАЛАР НАВРЎЗИ ОЛАМ...



(Давоми. Бош биринчи беда).

ма ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият ва маънавийлик маркази кўпдан-кўп тўрақларида шуғулланувчи болалар ясаган турли-туман маҳсулотлар кўргазмаси очилган.

Республика мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти катта томоша тайёрлаган. Майдонга спорт мотоцикллари, автомобиллар, «Як-50» ҳақиқий таълим-машқ самолёти, дельтаплан қўйилган. Уларни Ташкент аэроклуби тақдим этган.

Эрталаб соат 11 бўлиши биланоқ майдон узра вертолётлар пайдо бўлиб, самони ранг-баранг парашютлар тутиб кетди. Спортчилар оммада кетма-кет мураккаб машқлар бажариб, майдоннинг қоқ ўртасига тушди. Республика на шаҳар нарат федерацияларини тайёрлаган ўғил ва қиз болаларнинг намунали чиқиши ҳам қизиқари бўлди.

Республика кўнрақ театрининг артистлари кичикойларга кўп қувонч бағишладилар. Улар эзуликка, ҳалолликка, одилликка қаққирувчи «Гароиб мусобақа» деган янги томоша тайёрлаб келишган эди.

Болалар, ўсимлар ижодкорлиги шаҳар ва туман марказлари байрамга атаб тайёрлаган ўйинчоқлар, нақшорлик ва ўймакорлик буюмлари, техника моделлари кўргазмалари майдоннинг у бошидан бу бошигача чузилиб кетган. Бу ерга кел-

ган ҳар бир бола асфальтга расм чизиб таловида қатнашиши мумкин эди. Голблар учун кўпдан-кўп қизиқарли совринлар тайёрлаб қўйилганди. Республика болалар бадиий ижодкорлиги марказининг ходимлари мусавирликда ўзини намоён қилмоқчи бўлган ҳамма болаларга мўйиналам, буюғ, қоғоз беришди. Шу ерга ўрнатилган маҳсул дастгоҳларда болакай ва қизалоқлар баҳор байрами манзараларини чизди. Болалар тасаввурдаги шодона, саховатли, серқуёш ва одилона дунё Наврўз нашта-сининг узвий тисмоли бўлиб қолди.

Хадра... Қанчадан-қанча тарихий вонелар гувоҳи бўлган, Абдулла Қодирий, Аброр Хидоятов, Шукур Бурҳонов сингари машҳур адиблар ўлмас санъаткорларнинг қутлуг қадами тек-кан майдон!

Бу ерда байрам тантаналари ярим тундаёқ бошланиб кетди, десак муболаға бўлмайди. Майдоннинг турти бурчига дошқозонлар осилиб, Наврўз кўрки — ҳали, сумалак тайёрланиб, ош дамланди. Катта самоварларга ўт ташланди. Сон-саноксиз ранг-баранг байроқчалар кўклар нафасидан ҳиллаб турди, шўх фаворалар шовуллаб меҳмонларни чорлайди.

Майдон эрталабоқ ясантсан одамлар, кичикойлар билан бўлди. Карнай-сурвай авжида. Ҳамманинг юзиде табассум. Байрамона безатилган дўкончалардан ҳамма нарса топилди-

Оналар фарзандлари кўнглини овласа, ошқ маҳбубасига соғра харид қилиш билан овера. Биз эса байрам қатнашчиларидан бирини сузатга тортдик.

— Мен Ташкент туманининг Гўёс Умаров номидаги хўжалигидан келдим, — дейди Манзура ая Нуриддинова. — 20 йил пилла боқдим. Ҳозир қариллик гап-тини сурялман. Утган йили пойтахтдаги тантаналарини «зангори экран» орқали кўриб ҳавас қилган эдим. Минг шукри, бу йилги тантаналарда ҳамма билан қатнашдим. Мустанай юртинг Наврўзи кексаларини ҳам ёшатириб юборди...

Шу кунги Алишер Навоий номидаги театр майдон ҳам кўкларанг ранг-баранг безатилган эди. Бу ерга келган кўпдан-кўп пойтахт меҳмонлари ва тошкентликлар жозибодор тантаналарни мири-қиб томоша қилишди.

Театрга кириверилганда муваққат сахнада кўпгина танилди жамоаларининг созандалари, хонандалари ва рақосалари санъатларини намойиш қилишди. Ўзбекистон давлат филармониясининг жамоаси Наврўзга махсус дастур тайёрлаган эди. Концерт дастури мумтоз ва халқ асарларидан тузилганди, она Ватанга муҳаббат, мустақилликни мадҳ этиш, баҳорий янгиликни ва эзгулик мавзулари янгради.

Ўзбекистон давлат филармониясининг янақонларидан республика халқ артистлари О. Отамонов, О. Ҳайи-

това, шунингдек бошқа машҳур санъат усталари байрам кайфиятини яна ҳам оширишди. Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг жамоаси ҳам шу кунга ўз дастурини тайёрлади. Концертда мусиқали асарлар янгради, кўнгли қардош республикалар халқларининг рақслари иж-ро этилди.

Оммавий сайил масканига айланган майдонда байрам савдоси ҳам уюштирилганди. Бу ерда «Тошкенттаом» давлат концерни қанлот, пазандлик маҳсулотлари, турли пиширилган сотилган кўргазма очган эди. Унинг шаҳар туманларидаги акционерлик бирлашмалари 100 хилга яқин турли маҳсулотларини тақдим этилди. Қазн, хасн, оби нон, ёли пағир, тийла нон, ширинликлар қаққон сотилди. Навоий номидаги театр майдонда ташкил этилган савдо дасталарида «Совпластнал» кўйма ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Семург» фирмаси каби маҳаллий корхоналарда тайёрланган маҳсулотларини «Тошкентсавдо» концерни ходимлари аҳолига сотишди. Байрам кунги ҳамма моллар купонсиз сотилди.

Тошкентликлар мириқиб ҳордиқ чиқарадиган жой — Карл Маркс кўчасининг пёдалар юрадиган қисми Наврўз кунги айниқса гажум бўлди. Қадимий Ўзбек одатига кўра, эрта тоғдан қарна-ю сурнайлар, доиралар чалиниб байрам, халқ сайли бошлангандан дарак бер-

Анъанага кўра кўчанинги икки тарафда Наврўз дастурхони ёзилди. Шаҳарнинг энг яхши пазанда ва шакарпазлари ранг-баранг чодирлар тикишди. Шу кунги анвойи таомлар-у ширинликлар Наврўз нишонлари билан безатилиб, ҳақиқий санъат асарига айлантирилди. Сабзавот ва мевалардан кўзини қамаштирувчи шакллар ҳосил қилинган. Наврўз дастурхонига сумалак, халми, кўк сома, нишолла ва бошқа таомлар тортилган. Гиламлар, сўзаналар, сопол буюмлар билан безатилган чойхоналарда шу томошадан тотиб кўриш мумкин эди. Шаҳарнинг энг яхши ошпазлари меҳмонларни хўшбўй палов ва кабоб билан сийлашди.

Кўчадаги гул бозор — кўргазмаси байрамга хусн қўшар эди. Нарғиз ва лолалардан «Наврўз» композицияси ясалганди. Дунё ва табиат янгиликларининг, ажиб ҳис-туйғулар уйғонишининг рамзи бўлган айни шу чиройли ва нозик баҳор гуллари одамлар бир-бирларига тортиқ қилишарди.

Китоб савдоси қаққон бўлди. Шу кунги тошкентликлар ва шаҳар меҳмонлари ноширларнинг Наврўзга атаб чиқарган маҳсулотини қизиқиб кўла оlishди. «Ўзбекистон» нашриёти тайёрлаган турли-туман рангдор тақвимлар, бошқа нашриётлар чиқарган афсоналар, наврўз реңеплари, халқ расм-русумлари ва анъаналари ҳақидаги китоблар ҳамма қизиқтирди. Улар орасида «Фан» нашриёти чоп

этган «Наврўз «Меҳнат» «Наврўз ва те китоби бор э дия» нашриёт га «Қадимий одатлари»ни, нашриёт эса таомаси»ни

Ҳамма ёш шилар тара Икки саҳу ресторани ва даги рус дра кеңгача м тинглаш, ра мумкин эди. корхоналари нинг маданият хаваскорлик жа санъатларини на млади. Улар байрам миллий, европача, шу мумтоз ва замонавий ҳамда кўнрақлардан маҳс даму тайёрлаб келишган эди, чунки, Наврўз — байрамилар байрамидир.

Наврўз байрами кунги ҳар бир киши халқлар ўртасида тинчликни, тотуликни қарор топтирувчи умумбаҳарий, инсонпарвар кадрларга ошно бўлди. Эзулик, ҳамжиҳатлик голларини мурассамаштираган байрам биз ҳаммамиз Ўзбекистонда азиздан таркиб топган кўп миллатли аҳли оиланин фарзандлари эганиминг ҳис қилиш имконини берди.

Репортажни ЎзА мухбирлари Б. АБДУЛЛАЕВ, А. МАМАДОВ, Т. БОТИРБЕКОВ, И. ГРЕБЕНЮК, А. ИВАНОВА, Б. МАНСУРОВ, П. НИШОНОВ, Л. СТРУНИКОВА оlib борди.



Суратларни махсус мухбиримиз Владимир МОЛГАЧЕВ, Абдувоҳид Тўраев ва А. ЗУФАРОВ [ЎзА] олишган.

Президент оддий одамлар орасида

МЕҲР ЖИЛОСИ

Халқлар дўстлиги майдо-нида байрам давом этарди. Ҳамманинг кўзи ўртадаги сахнада. Унг ченкада эса қўлга ҳасса таянган отахон томоша қилиш учун қўлайроқ жой тополмай лол-ҳайрон турарди. Кўксидеги шода-шода жанговар нишонлари уруш қатнашчиси эканлигини билдириб турарди. Лекин ҳеч ким бу озор чекиб турган оқоқолга эътибор бермасди.



«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шу пайт қариянинг жонига бир одам ора кирди. Президентимиз Исро Каримов ўрнидан туриб, тўғри у кишининг қўлини олди-да, минбарнинг ўртасидаги мўътабар отахонлар ўтирган қаравотта тақлиф қилди. Бу меҳрибонликдан атрофдагиларнинг баҳри-дили янада очилиб кетди. Юртбошининг эътибори туфайли оқоқол томошани кўрпачада ўтириб кузатди.

— Мендай оддий қарияга шунчалар меҳрибонлик қурсатган Президентимиз омон бўлсин, — деб дуо қилди собиқ жангчи.

Фурсатдан фойдаланиб у кишини сузатга тортдик. — Узим, асли шу ерлик, ҳов анови фонтан ўрнидаги уйда туғилганман. Ҳозир Чилонзорда тураман. Исмиим Таслим фамилиям — Қурбонов. Лекин урушда голблар сафида бўлганман. Сталинграддан Берлингача бўлган йўлни босиб ўтганман. Икки марта яраланганман. Урушдан сўн кўп йил миллионда ишладим. Мана 16 йилдирки, нафақахўрман. Бугун Наврўз томошасини кўрай.

Шухрат ЖАВБОРОВ.

Нукус

Нукус шаҳри бош майдонига эрта тонгдан ошчилар, фан ва маданият ходимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари талабалари вакиллари келишди. Бу ерда Наврўз байрамига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Митингга Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Ўзбекистон Аширбеков республика меҳнатқаш-ларини Наврўз байрами билан кутлади. Тантаналарда Қорақалпоғистон Республикаси Вази-рлар кенгашининг раиси Р. Яўдошев, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг биринчи котиби А. Х. Асанов ўртоқлар ҳо-зир бўлдилар.

Наврўз байрамга кўшин вилоятлардан ҳам меҳмонлар келишди. Қорақалпоғистон меҳнатқашларини Тошқоув вилояти ҳокимининг биринчи муовини Р. Шарипов туркиман халқи номидан, Амударё ҳав-заси қўнрақчи бошлиғи А. Қаландаров Хоразм вилояти ҳокимияти номидан табрикла-ди. Бош майдонда Қорақал-поғистон Республикаси санъат усталари ва халқ талентлари икросида катта концерт кўр-сатилди.

Республиканинг барча ша-ҳар ва районларида Наврўз байрами ҳам йилдагидан ҳам яхши нишониланди.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Андижон

Янги йилнинг бошланishi Педагогика билим юртида катта байрам сифатида нишон-ланди. Карнай-сурвай, ногора садолари Марказий Фарғона чўли узра таралди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Наврўз байрами шарафига қабул маросими бўлди, унга Тошкентдаги хоржий дипло-матия ваколатхоналарининг ва халқаро ташкилотларнинг бошқилари тақлиф этилди. Ўзбекистон Респуб-

ган қизлар, мунис онахонлар, нуруий отахонлар Наврўз на-шидасидан баҳраманд бўлиш учун шу мазрифат маскани ҳовлисига тўпланишди. Тош-кентдан келган танилди ёзув-чилар: Саид Аҳмад, Уткир Хо-шимов, Озод Шарофиддинов, Фарғоналик, наманганлик меҳ-монлар, ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Ҳақимов билим юрти ҳов-лисидеги адиблар ҳибетонда бўлишиб, Чўлпон, Ҳамза, Миш-раб, Саида Зунунова, Абдула-ла Каҳҳор, Миртемир ҳайкал-лари пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Анорбой ҚУРОНБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Урганч

Вилоят маркази — Урганч шаҳрида нишонилган бай-рам шодибаналари узоқ йил-лар кўнчилигининг ёдидан чиқмаса керак. Шу кунги ша-ҳарнинг бир неча майдон ва дам олиш жойларида турли сайиллар, халқ амалии ва па-зандлик санъати кўргазма-лари, дорбозлик ва бошқа халқ ўйинлари ташкил этил-ди. Театрларда майдонда во-ҳанин танилди санъаткорлари, бадиий хаваскорлик дастурли кўнрақчи ва рақослар тўн-лашган неча минглаб томо-шобинларга ўзларининг тахсин-га сазовор маҳоратларини на-мойиш қилдилар.

Наврўз шодибанаси қатнаш-чиларини сўлим Фарғонадан ташриф буорган вилоят ҳо-кимининг биринчи ўринбоса-ри Саидхўжа Аҳмадулов, шунингдек, кўшин Туркма-нистонинг Тошқоув вилояти ҳамда Қорақалпоғистон ре-спубликасида келган вакил-лар самийини дил сўзлари билан кутлашди.

Вилоят марказида ўтказил-ган байрам иштирокчиларини вилоят ҳокими Маркс Жуна-ниёзов қизгин муборакбод

қилди. Тантанада Ўзбекистон Президенти Исро Каримов-нинг Наврўз табриги ўқиб эшиттирилди.

Э. МАДРАҲИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Қарши

Вилоят маркази Қарши шаҳ-рида эрта тонгдан байрам шо-дибаналари карнай-сурнай са-долари остида бошланди. Мар-казий «Меҳнат» ўйингоҳи ат-лас кўйлақлари кўш ёғдусида жипланган қиз-жувонлар, она-хон ва нуруий отахонлар, бай-рам билан гажумлашди. Бу ерда Наврўз сайилининг очи-лиш маросими бўлди. Баҳор-ой, Бободоҳон, Наврўзбек, Мқмоерларнинг театрлашти-рилган рамзий чиқишлари бай-рам иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Халқ қизиқчилари ва аския-чилар, вилоят мусиқали ва дра-ма театри, давлат филармония-си, «Эски мечит» театр студия-си жамоалари ўз санъатлари-ни намойиш этдилар. Спорт мусобақалари байрамга ўзга-ра руҳ ва кайфият бағишлади. Миллий кураш, арқон тўти-си, мусобақалари орқали, са-масбо бақчалари ўтказил-ди.

Байрамларни меҳнат совга-лари билан кутиб олиш хал-қимизнинг эзгу одати. Шуниси қувончлики, арафода Қар-ши районидеги «Насаб» дав-лат хўжалигининг Қўнрақ, Кас-би районидеги «Патхакор» сов-хозининг Фазил, Муборак рай-онидеги «Хитой» совхозининг Қорақум кишлоқларида газ қу-рувлари ўтказилиб хонадон-ларга табиий газ келди.

Мусо КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Наманган

Наманганда Наврўз байра-ми зўр ифтихор ва кўтаринки-лик билан кутиб олинди. Вило-

ятдаги маданият ва истироҳат болари, майдон ва стадион-лар, ўйингоҳлар, гузар ва чой-хоналар ўзига хос байрам на-босига бўзган эди. Айниқса На-манган шаҳридаги Бобур но-ми, маданият ва истироҳат бо-ғида байрам тантаналари кат-та халқ сайлига айланди. Бу ерда шоир Ҳабиб Саъдулла байрамга бағишланган йиғи-лишини оқиб, сўзи Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовга берди. У наманганликлар ва шаҳар ҳақида, шунингдек Нав-рўзга бағишланган шеърини ўқиб берди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Бургутали Рафигалиевнинг ви-лоят халқига йўллаган байрам табригини Наманган шаҳар ҳокими А. Икромов ўқиб бер-ди. Шундан сўн бу ерда театр-лаштирилган томошалар бошланди. Вилоят санъаткор-лари, билим юрталари олийгоҳ-лар талабалари ўзларининг маҳоратларини намойиш қил-дилар.

Халқ демократик партияси вилоят кенгаши байрам кун-ларида 70 га яқин ёлғиз қария-лар, ногиронлар ҳолидан хабар олди. Барча районларга вакил-лар юборилиб, иктимойий Ўр-дағма муҳтож кишиларга ба-ҳолм-қураб кўмак берилди. ХДП район кенгашилар ҳам бу борада барча макониятлардан фойдаланиб, кишиларга сазо-ват кўрсатилди.

Фарҳод ЙЎЛЧИЕВ, жамоватчи мухбир.

Жиззах

Эрта тонгдан бошланган карнай-сурнай садолари қадимий Жиззах шаҳри аҳолисини Наврўзбулоқ сайилгоҳига чо-рладди.

Наврўзбулоқ сайили ишти-рокчиларини вилоят ҳокими Э. Турсунов, шаҳар ҳокими А. Соатов, Ўзбекистон Республи-каси Олий Кенгаши қўйма та-раси Ф. Нахмиддиновлар

Шу кунги Наврўз тантанала-ри — ўйин-кулги, кўшиқ ва рақслар вилоятнинг барча ша-ҳар ва районлари марказлари-да кечгача давом этди. Вилоят ҳокимининг фармоишига биноан Наврўз кунги барча ки-нотеатрлар, мансий хизмат ўй-ларни белул хизмат қўрсати-ди. Аҳоли учун автобуслар-ларда юриш текин бўлди.

Б. САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Бухоро

Вилоят марказининг Исмо-ил Бухорий номи майдонига Наврўзга бағишлаб ўтказилган байрам намойиши меҳнатқаш-лар хотирасида узоқ вақт сақ-ланиб қолади.

Вилоят ҳокими Ўзбекистон халқ номи Д. С. Едгоров меҳнатқашларини Наврўз би-лан муборакбод қилди.

Нусратулла НАИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Термиз

ЎзХДП Қизилқум район ке-нгаши кенгаш совриндори уно-вини таъсис этди. У асосан ик-тидорли ижодкорларини — эл-юрт хизматига қамарбаста тураётганларини муқофотла-ше мўлжалланган. Кенгашининг биринчи котиби Э. Холқиев Наврўз кунги халқ бахшилари Қўшават Мардонқулов, Аб-дуназар Поёноғов, шоир Ка-рими Маллаевага, ҳуқуқи Шо-

ҳида Чориева, хонанда Холбой Тўлөгва совриндорлик унови-ларини топширди.

Айём арафасида Денов мой оқлаш заводи қошида қуриля-ётган совғи ишлаб чиқариш ҳеҳида сунги технология со-злов юмушлари амалга оши-рилди. Қизилқум райониде дон қабул қилиш корхонаси ишга туширилди. Корхона қошида район аҳолисининг эҳтиёгига яраша ун ишлаб чиқарадиган катта теғирмон қурилди.

Шўрчи райониде эса шаро-ити хоржий кишиларни лол қолдирадиган меҳмонхона қуриб битказилди.

Ха, бутун Сурхон эли Нав-рўзини ҳамжиҳатлик, шоди-хуррамлик билан нишонилди. Одамлар ёрдамга муҳтож ки-шиларни, етим, ногиронларни йўқладилар. Уртадан гина-қудур-ат, арзалар кўтарилиди. Аҳли-лигу осийшталик қуюқлаш-гандай бўлди.

О. УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Навоий

Навқирон Навоий вилояти-да ҳам улут айдём — Наврўз байрами пухта тараддуу ва зўр шодибанаси билан ўтказилди. Эрта тонгдан вилоят маркази қабби баҳорий эзгу ҳисларни, яратувчилни, бунёд-корлик туйғуларни билан тў-либ тошган савоатчилар, кимёгарлар, қурувчилар бил-лан гажум бўлиб борди. Наврўзининг ўлкамизга таш-риф бююрганини бева-бечора-лар, майиб ва мажруҳлар ҳам қалбдан ҳис этишди. Вилоят ҳокими, Ўзбекистон халқ де-путати Абдуқолиқ Айдарқу-лов шу кунги ўйлаб ойналар-га кириб, дили ҳаста, икти-мой қимогова муҳтожларни Наврўз билан табриқлади ва совға — савоалар улашди.

Музаффар ШАРПОВ, «Ўзбекистон овози» мух-бири.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида байрам билан қутлашди. Мустақил Ўзбекистон халқи Наврўз кунини иккинчи бор чинакам байрам қилаёт-ганлиги таъкидлаб ўтилди. Халқ эркинликка эришгани-дан руҳланиб, қайта тиклан-

ган давлатни, диёримизда тинчлик ва осийишталарини мустақамлашга ҳаракат қилиб, Наврўзини нишонла-моқда. Ўзбекистон Республика-сининг минтақада барқарор-лик ва хавфсизлигини сақлаб туришга, жаҳон мамлакатла-

ри билан ҳамкорликни ри-вожлантиришга, мамлакатини жаҳон миллатлар ҳамжиҳати-ти билан боғлашга қаратил-ган ташқи сўбасининг қарор топшии ўтган даврининг му-ннги якуни бўлди.

Хоржий ваколатхоналар бошлиқлари номидан дипло-матия корпусининг оқсоқоли, Туркия Республикасининг

ликсиз Вулқон Чўтур маро-симда сўзга чиқиб, Ўзбеки-стон Республикасида муста-қилликнинг дастлабки йил-ларида эришилган ютуқлар-га, республика раҳбарияти-нинг минтақада ялли хавф-сизлик тизимини вужудга келтиришга қаратилган таш-қи сўбсий йўлга юқори ба-ҳо берди ҳамда мамлакат

халқига янги-янги муваффа-қиятлар тилади.

Учрашув пировардида Ўз-бекистон санъат усталари иштирокида байрам концер-ти кўрсатилди.

Қабул маросими самийи ва дўстона муҳитда ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУТБОЛНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар маҳкамаси Ўзбекистонда футболнинг оммавийлиги ва унга қизиқиб борлигини, унинг аҳоли соғлигини мустахкамлашда ва жисмоний тарбияни яхшилашдаги муҳим аҳамиятини, халқаро майдондаги спорт алоқаларини кенгайтиришдаги кенг имкониятларини эътиборга олиб ва уни янада ривожлантириш мақсадида қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат физкультура ва спорт комитети, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Касба-Ушмакчилар Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ешлар иттифоқи ва бошқа манфаъдор ташкилотлар иштирокида:

2000 йилгача футболни ривожлантириш миллий дастурининг 1993 йил 10 майга қадар ишlab чиқиб, Вазирлар маҳкамасининг тасдиғига киритилиши;

Республикада барча ёш гуруҳлар командиранинг иштирокида футбол мусобақаларини ўтказишнинг ягона тизимини 1993 йил 1 апрелга қадар ишlab чиқилар. Оммавий футбол урғувларини уюштириш, қобилиятли спортчиларни излашга ва тарбиялашга алоҳида эътибор берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат физкультура ва спорт комитети, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Адлия вазирлиги билан шунингдек Ўзбекистон Касба-Ушмакчилар Федерацияси Кенгаши билан биргаликда 1993 йилда «Пахтакор» командасининг, Ўзбекистондаги бошқа терма ва профессионал футбол командаларининг мақоми тасдиқласин.

3. Ўзбекистонда футболни ривожлантириш жағмаиеси тавсис этилиб, унга Вазирлар маҳкамасининг захира жағмаиесидан 100 миллион сум ажратилсин. Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги вазирлигининг, «Ўзашпахта» Давлат концернининг, «Ўзавнефть» маҳсулоти бирлашмасининг, «ТТЗ» ишlab чиқариш биришмасининг, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишlab чиқариш биришмасининг жағмаиеси моддий жиғатдан қўллаб-қувватлаш ҳақидаги ташаббуси маъмулиесини ҳамда ажратилган маблағлар Республикада футболни ривожлантиришнинг замонавий базасини яхшилатишга, Ўзбекистоннинг соғлом ва баркамол фуқароларини тарбиялаб

етиштиришдек олжаноб ишга кўмак беради, деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат физкультура ва спорт комитети Республика Футбол Федерацияси билан биргаликда Ўзбекистонда футболни ривожлантириш жағмаиесининг низомини 10 кун муддатда ишlab чиқиб, Вазирлар маҳкамасининг тасдиғига тақдим этсин.

5. Футбол клублари ва спорт мактаблари уч йил муддатга ҳамма турдаги соликлардан озод қилинсин. Стадионларнинг футбол мусобақалари вақтида, турли тадбирларни, шу жумладан лотерея ўйинлари, томоша дастури, артистларнинг чиқишлари ва бошқа тадбирларни ўтказиши тўғрисида олган даромадлардан футболни ривожлантириш учун фойдаланилган тақдирда, бу даромадлар солиқдан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат физкультура ва спорт комитети Республика Футбол Федерацияси билан биргаликда «Пахтакор» командасининг аъзоларини тинчлаш учун зарур чора-тадбирларни кўрсин, командани юқори маълуми мутахассислар ва умидбахш футболчилар билан мустахкамлаш, «Қиёрай» тельми-меш спорт комплекси асосий база қилиб белгиленсин.

1993—1994 йилларда марказий «Пахтакор» стадиони, «Қиёрай» ва «Чиртой» спорт базалари яхшилаб таъмирленсин.

